

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги
«Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва
муаммолари» илмий-тадқиқот маркази**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.2(575.1)**

ОЧИЛОВ АДҲАМ МУЗАФФАРОВИЧ

**СОЛИҚ МАЖБУРИЯТЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ
МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган**

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

**Илмий раҳбар: иқтисодиёт фанлари доктори,
доцент Ф.И.Исаев**

Тошкент – 2024

М У Н Д А Р И Ж А

	КИРИШ	3
I БОБ.	СОЛИҚ МАЖБУРИЯТЛАРИ ИЖРОСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	13
1.1-§.	Солиқ мажбуриятлари ижросини таъминлашнинг назарий-хукукий асослари.....	13
1.2-§.	Солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ маъмуриятчилигининг ўрни.....	26
1.3-§.	Солиқ мажбуриятларини бажариш ва унга риоя қилишнинг хориж тажрибаси.....	39
	Биринчи боб бўйича хулосалар	57
II БОБ.	СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИГА RIОЯ ҚИЛИШНИНГ СОЛИҚ ТУШУМЛАРИНИ ЙИЎИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ ТАҲЛИЛИ	59
2.1-§.	Солиқ қонунчилигига риоя қилишнинг солиқ тушумларини йиғишга таъсири таҳлили.....	59
2.2-§.	Солиқ мажбуриятларини бажарилишининг жорий ҳолати таҳлили.....	70
	Иккинчи боб бўйича хулосалар	87
III БОБ.	СОЛИҚ МАЖБУРИЯТЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ	89
3.1-§.	Солиқ текширувлари орқали солиқ мажбуриятлари ижросини такомиллаштириш.....	89
3.2-§.	Солиқ қонунчилигини яхшилаш орқали солиққа риоя қилишни такомиллаштириш.....	102
3.3-§.	Солиқ мажбуриятларини бажариш маданиятини оширишнинг самарадорлиги.....	114
	Учинчи боб бўйича хулосалар.....	125
	ХУЛОСА	129
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	134
	ИЛОВАЛАР	146

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда рақамли технологияларнинг кенг тарқалиши, бозорларнинг глобаллашуви ва молиявий операцияларнинг тобора мураккаблашиб бориши шароитида солиққа тортишнинг мустаҳкам механизмларини таъминлаш зарурати кучайиб бормоқда. “Давлат назорати интеграциялашган ҳуқуқни муҳофаза қилиш воситалари ва мустаҳкам солиқ бошқаруви тизими орқали солиқ хавфсизлиги ва солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлашнинг самарали механизми бўлиб хизмат қилиши мумкин”¹. Рақамли иқтисодиёт, электрон тижорат, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, ҳуқ-атвор иқтисодига оид тушунчалар, технология ва маълумотлар таҳлили, солиқ сиёсати ва маъмурият самарадорлигига оид бир қанча омилар солиққа тортиш механизмларини ўрганиш ва такомиллаштириш заруратини ошириб бормоқда.

Халқаро амалиётда солиқ мажбуриятлари ижросини таъминлаш механизмни такомиллаштиришга қаратилган бир қанча долзарб масалалар бугунги кунда илмий-тадқиқот ишларида биринчи ўринда туради. Хусусан, рақамли иқтисодиётни солиққа тортиш, халқаро солиқ ҳамкорлиги, солиқ қонунчилигига риоя қилиш, солиқ ижросини таъминлашга оид технологик инновациялар, солиқ сиёсати ва маъмурий ислохотлар, солиқ маъмуриятчилигининг салоҳиятини ошириш ва солиққа тортишнинг институционал асосларини мустаҳкамлаш каби долзарб муаммоларни ҳал қилишга қаратилган тадқиқотлар солиққа риоя қилиш динамикасини тушунишни ривожлантириш ва ижро самарадорлигини ошириш, ихтиёрий риоя қилишни рағбатлантириш ва солиқ тизимининг яхлитлигини таъминлаш учун далилларга асосланган стратегияларни ишлаб чиқишда муҳим тадқиқот йўналишлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси айти пайтда солиқ тизимини янада самарали ва адолатлилигини таъминлаш, бу орқали ҳам иқтисодий тараққиётга, ҳам

¹ Molodykh, V. (2023). State control as a mechanism for ensuring tax security. ekonomika i upravlenie: problemy, resheniya. <https://doi.org/10.36871/ek.up.p.r.2023.10.07.016>.

ижтимоий фаровонликка кўмаклашиш учун катта саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. “Соҳалар кесимида таҳлил қилган ҳолда солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш ҳолатларини аниқлаш ва уларга қарши курашиш чораларини кучайтириш, қонун талабларига риоя этган ҳолда фаолиятини амалга ошираётган ёки яширин фаолиятини қонунийлаштирган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш”² каби вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш бўнак тўловларини тўланиши бўйича белгиланган чегаравий миқдорни ўзгартириш, қўшимча манбалардан даромад олувчи бюджет ташкилотлари бўшатилаётган маблағлардан фойда солиғи тўлаш тартибини жорий этиш, айланмадан олинадиган солиқнинг қатъий белгиланган суммада тўловчи солиқ тўловчилар учун солиқ белгиланган ставкаларини ўзгартириш, солиқ мажбуриятлари ижросини таъминлаш механизмини такомиллаштиришга оид илмий-тадқиқот ишлари доирасида кенгроқ изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-101-сон “”Ўзбекистон-2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон ““Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”, 2022 йил 28 июндаги ПФ-162-сон “Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш даврида бизнес учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2024 йил 4 мартдаги ПҚ-109-сон “”Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган асосий йўналишлар бўйича ислохотларни амалга оширишнинг 2024 йилдаги устувор чора-тадбирлари тўғрисида”, 2023 йил 14 июндаги ПҚ-192-сон “Фаол ишбилармонлик муҳитини шакллантиришни янада рағбатлантириш, солиқ мажбуриятини бажаришда аҳоли томонидан ортиқча харажатларга йўл қўймаслик ҳамда қўшимча иш ўринларини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”, 2023 йил 29 декабрдаги ПҚ-471-сон “Ўзбекистон Республикасининг “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги ПҚ-300-сон “”Ўзбекистон—2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.